

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЛИЗИНГ МУОМАЛАЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бахадиров Алишер Комилович –  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил изланувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада Лизинг корхоналарида лизинг муомалалари ҳисоби ва унинг аудитини ўтказилиши тартиблари ўрганиб чиқилган ва асосий маълумотлар кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** лизинг, лизинг субъектлари ва обьектлари, лизинг муомалалари ҳисоби, аудит, асосий восита, амортизация.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АУДИТА И УЧЕТА ЛИЗИНГОВЫХ ОПЕРАЦИЙ  
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Бахадиров Алишер Комилович -  
Соискатель Ташкентского государственного  
экономического университета

**Аннотация:** В статье исследуется аудит и учет лизинговых операций в лизинговых компаниях, а также приводится основная информация.

**Ключевые слова:** лизинг, субъекты и объекты лизинга, учет лизинговых операций, аудит, основные средства, амортизация.

Bakhadirov Alisher Komilovich -  
Researcher of Tashkent State University of Economics

DEVELOPMENT AUDIT AND ACCOUNTING OF LEASING OPERATIONS  
IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Annotation:** This article examines audit and accounting of leasing operations in leasing companies, and provides basic information.

**Keywords:** lease, subjects and objects of lease, account of leasing operations, audit, fixed assets, depreciation.

**Кириш.** Мамлакатимизда лизинг муомалаларини такомиллаштириш учун унинг бу соҳадаги камчиликлари ва унга бериладиган янгиликлардан келиб чиқсан ҳолда бу мавзуга биз кенгроқ ёндашдик. Лекин бу масалани кўриб чиқишдан олдин биз озгина лизингни ўзи тўғрисида фикрга эга бўлиш учун лизинг тушунчасига тўхталиб ўтамиш. Лизинг муносабатларини ривожлантириш мақсадида бизнинг республикамиизда Молия Вазирлигининг 11 май 2009 йилда 54-сонли буйруғига асосан “Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисида”ги Низом ва “Ижара ҳисоби” буйича 6-сонли Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандарти ишлаб чиқилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш” масаласининг қўйилиши ўта дол зарб эканлигини белгилаб беради [1].

Лизинг (молиявий ижара) ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизингга олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг обьектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизингга олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.


Тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк лизинг обьектлари бўлиши мумкин.

Ер участкалари ва бошқа табиий обьектлар, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулк лизинг обьектлари бўлиши мумкин эмас.

Лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи лизинг субъектларидир. Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига келгусида топшириш мақсадида лизинг обьектини мулк қилиб олувчи шахс лизинг берувчи деб эътироф этилади.

Эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси бўйича лизинг обьектини олаётган шахс лизинг олувчи деб эътироф этилади. Лизинг берувчи лизинг обьектини кимдан олаётган бўлса, шу шахс сотувчи деб эътироф эти-

лади. Лизинг обьекти лизинг олувчининг кредити (қарзи) ҳисобидан олинган тақдирда, аниқ лизинг обьектига нисбатан лизинг берувчинг кредитори ва лизинг олувчи бир шахс тимсолида иш кўришига йўл қўйилмайди.



**1-расм. Янги лизинг битимлари сонининг ўсиш динамикаси**

*Манба:* муаллиф ишланмаси

2020 йилнинг I-чорагига лизинг битимларининг сони кескин камайди, 4093 ни ташкил этди. 2019 йилнинг I-чорагига нисбатан лизинг битимлар 21,3% ёки 1109 та битимга камайди. Бу ҳолат дунёнинг барча мамлакатларида пан-

демияга қарши курашиб чора тадбирлари билан боғлиқ инқизоз билан боғлиқ бўлиб қолди. Лизинг бозори иштирокчилари ўртасида лизинг битимларининг ўсиш ҳажми қўйидагича тақсимланган:

#### Жадвал

**Лизинг бозори иштирокчилари ўртасида лизинг битимларининг ўсиш ҳажми<sup>[6]</sup>**

Йиллар	Лизинг компаниялар		Банклар		Жами
	Мулк қиймати. млрд.сўм	Улуши %	Мулк қиймати. млрд.сўм	Улуши %	
2015	668,2	78,5%	183,0	21,5%	851,2
2016	630,8	64,8%	342,3	35,2%	973,1
2017	963,8	62,0%	589,8	38,0%	1 553,6
2018	1 912,2	72,6%	722,2	27,4%	2 634,4
2019	2 539,4	90,8%	256,6	9,2%	2 795,9
I-2020	1 035,2	88,8%	131,0	11,2%	1 166,2

90-йилларнинг биринчи ярмида бозор ислоҳотлари натижасида банк, кредит муассасалари ва корхоналар илгари иқтисодиётимизда қўлланилмаган кўпгина молиявий дастаклардан фойдалана бошладилар. Айни шу йиллarda лизинг тузилмаларини фаол ташкил этиш, иқтисодиётнинг ушбу соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш бошланди.

Лизинг жараёнининг иккинчи босқичида икки ёки уч томонлама шартномада лизинг битимидағи барча мунозарали шартлар юридик жиҳатдан асосланади. Шунингдек, қўйидагилар расмийлаштирилади:

1. Лизинга олинадиган ускуна (мулк) олди-сотди битими;
2. Уни фойдаланишга олганлик далолатномаси; лизинг шартномаси;

3. Лизинга берилаётган ускуна, техника (лизинг мулки)га техника хизмат қўрсатиш ҳақида битим.

Лизинг жараёнининг учинчи босқичи анча маъсулиятли ҳисобланади. Ва лизинг мулкидан фойдаланиш даврини қамраб олади. Унда барча лизинг операциялари бўйича бўйича ҳисобкитоби ва ҳисбот олиб бориш, лизинг берувчига лизинг тўловларини беришни амалга ошириш, лизинг муддати ўтгач лизинг мулкидан келгусида фойдаланиш масаласини расмийлаштириш кўзда тутилади.

Лизинг шартномаси иштирок этувчи томонларнинг муносабатлари акс этадиган асосий хужжат ҳисобланади. У лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида тузилади ва унда лизинг мулки ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун берилиши кўрсатилади. Лизинг шартномаси лизинг обьекти фойдаланишга берилгани ва кўрсатилган муддат мобайнида ишлашлиги си-

фатида лизинг мулки қабул қилингани тўғрисида далолатнома имзоланган вақтдан кучга киради. Мулкнинг қабул қилинганилиги тўғрисида далолатнома лизинг олувчи томонидан расмийлаштирилади, лизинг шартномасини унда қатнашувчи барча томонлар имзолайди, яъни лизинг берувчи, лизинг олувчи, етказиб берувчи лизинг мулкини ишлаб чиқарувчи.

Лизинг мулки фойдаланишга олинганилиги тўғрисида далолатнома имзолангач ва расмийлаштирилгандан сўнг, лизинг берувчи лизинг олувчи олдида маъсулиятга эга бўлмайди, чунки у олинадиган лизинг мулкидан мустақил равища фойдаланади.

Бизнинг фикримизча, лизинг мулкидан фойдаланиш жараёнида юзага чиқадиган ва синиш, йўқолиш, муддатидан олдин ишлаб чиқиши, бузилиш ва шикастланиш билан боғлиқ барча рискларни, етказилган заардан қатъий назар, лизинг олувчи ўз зиммасига олиши керак.

**Адабиётлар таҳлили.** Халқаро Бухгалтерлар Федерациясининг уюшган аъзоси бўлган Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий асоциацияси Халқаро аудит стандартларини давлат тилига таржима қилиш ва чоп эттириш хуқуқини кўлга киритди. Халқаро Бухгалтерлар Федерациясининг расмий рухсати билан Ўзбекистон Молия Вазирлиги ҳамкорлиги ва кўмагида ўзбек тилидаги 2013 йил ҳолатида чоп этилган З томдан иборат “Сифат назорати, Аудит, Кўриб чиқиши, Бошқа ишонч билдириш ва Турдош хизматларнинг халқаро стандартлари” тўплами минг нашр этилиши бу борадаги муҳим қадам бўлди [2].

Лизинг муомалаларини қуи шаклларини пайдо бўлиши ва ташкил топиши бир неча асрлик тарихга бориб тақалсада, лизинг бизнесининг замонавий тизими 50-60 йиллардан бошлаб ривожлана бошлаган эди. Унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти илмий адабиётларда дастлаб XX асрнинг 70-80 йилларида кенг ёритила бошланди.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот ишида умумметодологик усуллардан-кузатиш, умумлаштириш, гурухлаш ва таққослаш каби усуллар кўлланилган.

**Таҳлил ва натижалар мухокамаси.** Ўзбекистон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари тизими бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари бўйича тузилган. Бунда "Молиявий ҳисботни тақдим этиш"нинг 1-халқаро стандартга Ўзбекистон Республикаси «Молиявий ҳисботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос» БХМС ва 1-сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисбот» БХМС стандартлари мос келади, молиявий лизингни тартибига солувчи қолган уч халқаро стандартлар миллий амалиётда 5-сонли «Асосий восита-

лар» ва 6-сонли «Ижарапи ҳисобга олиш» БХМС бухгалтерия ҳисоби стандартлари мувофиқдир.

Ижарага берувчида (лизингга берувчида) молиявий ижара бўйича операцияларнинг ҳисоби бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара объектлари уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини кўшган ҳолда (агар улар қопланмаса) кирим қилингандан:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0800);

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёtlар» ёки 6120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счёtlар» ёки турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счёtlар (6900) ёхуд бошқа тегишли счёtlар;

Молиявий ижара объектларининг ижарага олувчига (лизингга олувчига) берилиши, агар берилаётган объект олдин фойдаланилмаган бўлса, бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 0920 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёti;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёti;

Мулкни молиявий ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда ижарага олувчидан (лизингга олувчидан) ижара (лизинг) тўловларининг келиб тушиши бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартиби) мувофиқ молиявий ижара бўйича олинадиган узоқ муддатли тўловларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар – жорий қисми» счёti;

кредит 0920 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёti;

б) молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага олувчидан (лизингга олувчидан) пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар;

кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар – жорий қисми» счёti;

кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёti;

в) ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартиби) мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара (лизинг) тўловлари бўйича ижарага олувчидан (лизингга олувчидан) бўнак келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар;

кредит 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёti;

г) ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибида) мувофиқ тўлов муддати етиб келганда, ижарага олувчидан (лизингга олувчидан) олдин олинган бўнаклар қоплашга (ҳисоблашга) олиб борилганда:

дебет 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти;

кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар – жорий қисми» счёти;

кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олиб келинган молиявий ижара объектлари бухгалтерия ҳисобида қуидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара объектларини ижарага олувчининг (лизингга олувчининг) бухгалтерия ҳисобида актив ва мажбурият сифатида тан олинадиган қиймати бўйича кирим қилиш:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0800);

кредит 7910 «Тўланадиган молиявий ижара» счёти;

б) молиявий ижара объектларини белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасига:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0800);

кредит материалларни ҳисобга олувчи счёtlар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счёtlар (6700), сугурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счёtlар (6500) ва бошқа тегишли счёtlар;

в) молиявий ижара объектларини бошланғич қиймат бўйича фойдаланишга топшириш (уларнинг асосий воситалар таркибига ўтказилиши):

дебет 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти;

кредит капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0800).

Лизинг муомалалари бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича низомда юқоридаги бухгалтерия ҳисоби ёзувлари кўрсатилган. Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш учун Дт 0310 – «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счетига субсчетлар очиш керак. Чунки лизинг олувчи корхона бир нечта хил асосий воситани лизингга олиши мумкин ва шу асосий воситалар бўйича бухгалтерия счетларида алоҳида олиб борилса, хар бир асосий восита бўйича тўлиқ ва аниқ ҳисоб юритилаётганини кўриш мумкин. Масалан, 0311 – «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган автомобиллар», 0312 – «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асбоб–ускуналар», 0313 – «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган

бинолар» ва шу каби субсчетлар очилса, лизинг олувчи корхоналарда лизинг муомалаларини бухгалтерия ҳисобини юритишида такомиллашиш кўринади ва шу субсчетлар ишга солинса мақсадга мувофиқ бўлади [3].

Лизинг олувчининг лизинг тўловлари барча миқдори улар ишлаб чиқарган маҳсулот таннархига қўшилади. Лизинг битимини молиялаштириш учун сафарбар этиладиган кредитдан фойдаланганлик учун сарфлар миқдори лизинг берувчида лизинг хизмати таннархига қўшилади. Амортизацияга ажратиш масаласи лизинг берувчи ёки лизинг олувчи балансида ҳисобга олинадиган мазкур лизинг мулкига боғлиқ ҳолда ҳал этилади.

Лизинг бизнеси барқарор ривожланиши учун бизнинг мамлакатимизда лизинг битими қатнашчиларининг рискини тўғри баҳолаш ва минималлаштириш мухим аҳамият касб этади. Лизингдан манфаатдор тайинли мижозларни лизинг берувчининг излаши лизинг битими тузиш бўйича ташкилий ишларнинг умумий мақсади ҳисобланади. Амалда лизинг битими тузиш ташабуси, одатда, тайинли лизинг олувчи томонидан бўлади. У зарур мулкка эга бўлган етказиб берувчини мустақил танлайди ёки лизинг компаниясига ёки тижорат банкига етказиб берувчини топишида ёрдам беришни сўраб мурожаат қиласи. Бундай ҳолда ускуна тури ва лизинг компанияси тавсия этганлардан бирини танлаш хуқуқини лизинг олувчи ўзида сақлади.

Лизингга берувчининг руҳсатисиз амалга оширилган лизинг объектини яхшилашга сарфланган маблағлар (қўйилмалар) ва уларни лизинг объектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш имконияти бўлмаса, лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагач ёки шартнома бекор қилингач, лизингга берувчига текинга ўтади. Бироқ, агарда уларни лизинг объектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлса ва агар лизингга берувчи уларнинг қийматини тўлашга рози бўлмаса, бундай ҳолларда лизингга олувчи уларни ўзига ажратиб олиши мумкин.

Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқди. Лойиҳа 19.09.2018 йилдаги ПҚ-3946-сон қарорга мувофиқ ишлаб чиқилган, унга кўра 2020 йил 1 январдан бошлаб аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини фақат Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан нашр этиладиган аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга оширадилар. Аудит бўйича халқаро стандартлар – бу аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун халқаро профессионал

стандартлар ҳисобланади. Ушбу стандартлар Халқаро аудит ва аттестация стандартлари Қўмитаси тарафидан ишлаб чиқлади. Халқаро аудит стандартлари ушбу бўлинмалардан иборатdir:

### 1.1. Кириш

1.2. 200-299 стандартлар. Умумий принцип ва мажбуриятлар.

1.3. 300-499 стандартлар. Хатарни баҳолаш ва аниқланган хавфларга қарши туриш.

1.4. 500-599 стандартлар. Аудиторлик далиллар.

1.5. 600-699 стандартлар. Бошқаларнинг хизматларидан фойдаланиш.

1.6. 700-799 стандартлар. Аудиторлик хуносалари.

1.7. 800-899 стандартлар. Махсус жихатлар [4].

Ўзбекистон Республикасининг барча мажбурий аудит ўтказилиши керак бўлган хўжалик юритувчи субъектлар 1 январ 2020 йилдан Халқаро аудит стандартлари асосида текширув ўтказилди ва ушбу стандартлар асосида аудиторлик хуносалари тақдим этилди. Лизинг корхоналарида лизинг муомалалари бухгалтерия ҳисобини аудит ўтказиша ушбу корхона молиявий ҳисботларидағи кўрсаткичлар бирламчи хужжатларга асосланиб тўғри ва аниқ кўрсатилганлигига ишонч хосил қилиши лозим. Аудиторлик корхонаси тарафидан лизинг олувчи ва берувчи ўртасидаги шартнома ва ушбу шартнома бўйича кўрсатилган талаблар бажарилиши таҳлил қилиниши керак. Ва таҳлил натижасида лизинг шартномаларидағи хар бир кўрсатилган суммалар молиявий ҳисботда акс эттирилганлигини аудитор кўриб ўтиши шарт.

Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик корхонаси текшириш бошланишидан олдин ушбу корхона билан муҳимлилик даражасини тасдиқлаб олиниши керак. Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонуннинг (ЎРҚ 677 сонли 25 феврал 2021 йил) 35-моддасига асосан лизинг олувчи ва берувчилар хар иили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши шарт эмас, лекин ҳисбот иили якунларига кўра қўйидаги шартлардан бир вақтнинг ўзида иккитасига жавоб берган тижорат ташкилотлари: активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баравари миқдоридан ортиқ, маҳсулотларни (ишларни, хиз-

матларни) реализация қилишдан олинган тушуми базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз минг баравари миқдоридан ортиқ, ходимларининг ўртача йиллик сони юз нафардан ортиқ бўлса, ушбу хўжалик юритувчи субъект хар иили мажбурий аудит ўтказилиши лозим.

Яна эътиборли жихатларидан бири, агар аудиторлик корхонасининг амалиётида лизинг шартномалари кўрилмаган ҳолда, ушбу корхона Халваро аудит стандартларига мувофиқ бошқа, яъни лизинг муомалари ҳисобини ва ҳисботини юритилишини билган шахсларни жалю қилиши мумкин. Ушбу келишув асосида аудиторлик компанияси ва аудит ўтказилаётган корхона учун жуда ҳам муҳим ва аҳамиятли роль касб этади. Чунки корхона бухгалтерлари тарафидан берилган хар бир бухгалтерия ёзувлари тез ва аниқ текширилиб ўтилади.

Хозирга кунга келиб, кўпгина лизинг олувчи ва берувчи корхоналарда бухгалтерия программаси мавжуд ва ушбу программа орқали молиявий ҳисботларни тузилиши ва бухгалтерия ёзувлари олиб борилади. Ушбу бухгалтерия программаси мавжуд корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобини аудит ўтказиша жуда қулай ва тез амалга оширилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, лизинг муомалаларининг дастлабки ҳисоби амалиётини кўриб чиққанда, лизинг олиш учун кўпгина хужжатлар тайёрланниши кераклигини кўриб чиқдик. Лекин шу хужжатларни йиғиш учун анча вақт йўқотилади ва лизинг олувчилар учун ушбу вазият қийинроқ. Шунинг учун бизнинг фикримизча, айрим электрон хужжатлар лизинг жараёнида тақдим этилмаса бу Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлар учун жуда осон ва қулай шароит яратиб берилган бўларди. Бундан келиб чиқиб, лизинг олиш учун хужжатлар сони камайтирилса, кўпгина корхоналар лизинг муомалаларидан фойдаланишни қўллаб-куватлайдилар.

Лизинг олувчида лизинг ҳисобини юритилишида алоҳида субсчетлар очилса, ушбу вазият корхона раҳбарлари учун жуда қулай ва тезкор маълумот олишда ўз ўрнига эга булади. Шунинг учун лизинг олувчи корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритилиш буйича Ҳисоб сиёсатида ушбу субсчетлар очилиши кўрсатиб ўтилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чоратаддирлар тўғрисида"ги Фармойши. (Ўзбекистон Республикаси қонун хуясжатлари тўплами, 2017 й., 7-сон, 88-модда)

2. Сифат назорати, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишонч билдириши ва турдош хизматларнинг халқаро стандартлари тўплами, 2012, II қисм.- Т.:«Sano-Standart», 2014 ., 554 б.

3. Материал из Википедии — свободной энциклопедии <https://ru.wikipedia.org/wiki>

4. Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 11 майдаги 54-сонли бўйргу билан тасдиқланган)

5. Варонина Л.И. Аудиторская деятельность: основы организации. Учебно-практическое пособие. - М.: Эксмо, 2007. - 336 с.

6. Лизинговый сектор Узбекистана: Итоги 2020 года. Председатель «Лизинговой Ассоциации Узбекистана» Мустафаев З.Б.